

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ РАҚОБАТ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ
ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

38 Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил
28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1919-5*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 4 мартдаги 2009-18-сон буйруғи (рўйхат рақами 1919, 2009 йил 9 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 10-11-сон, 126-модда) билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бош директор

Б. АТАХАНОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 29 декабрь,
2015-23-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги
Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлашти-
риш ва ривожлантириш маркази бош дирек-
торининг 2015 йил 29 декабрдаги
2015-23-сон буйруғига
ИЛОВА

**Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари
битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, уюлмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорини амалга оширилган қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистрини юритиш ҳамда уларнинг қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари томонидан рўйхатга олиниши тартибини белгилайди.

Мазкур Низомнинг талаблари акциялар, корпоратив ва инфратузилма облигациялар, шунингдек қимматли қоғозларнинг ҳосилалари билан биржадан ташқари битимларга татбиқ этилади.».

2. 1-бандда:

бешинчи хатбошидаги «бошқа» деган сўз «валюта» деган сўз билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидаги «депозитарий» деган сўз «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси (кейинги ўринларда — МД) ёки инвестиция воситачиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 3-банднинг еттинчи хатбошисидagi «депозитарийга» деган сўз «МДга» деган сўз билан алмаштирилсин.

4. 12-банддаги «Депозитарийларга» деган сўз «МД ва инвестиция воситачиларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 17-банднинг тўртинчи хатбошисидagi «депозитарийсига» деган сўз «инвестиция воситачисига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 18-банддаги «депозитарийси» деган сўз «инвестиция воситачиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 19-банддаги «депозитарийси» деган сўз «инвестиция воситачиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 22-банддаги «депозитарийсидан» деган сўз «инвестиция воситачисидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. Қўйидаги мазмундаги 24¹-банд билан тўлдирилсин:

«24¹. Мазкур бўлим талаблари МДга у бегоналаштирувчига (гаровга қўювчига) депозитар хизматларини кўрсатган тақдирда ҳам татбиқ қилинади.».